

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

## **“МАРКШЕЙДЕРЛИК ИШИ”**

**йўналиши**

**“МАРКШЕЙДЕРЛИК АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент – 2021**

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648 сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастур асосида тайёрланди

**Тузувчи:** т.ф.н., доц. Иногамов И.И.

**Такризчи:** т.ф.д.,проф. Р.Ш.Наимова

Ўқув-услугий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2020 йил 18 декабрдаги 4 сонли йиғилишида кўриб чиқилиб, фойдаланишга тавсия этилди.

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>9</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>18</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>44</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>63</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>65</b>
<b>VII. ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР .....</b>	<b>66</b>

# **I. ИШЧИ ДАСТУР**

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, энергия ишлаб чиқарувчи корхоналар ва технологияларнинг замонавий ҳолати, ривожланиш тенденциялари, энергия ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланишда бирламчи энергия манбаалари турларини диверсификация қилишнинг асослари, энергия ишлаб чиқариш технологиялари бўйича ривожланган хориж давлатларининг тажрибалари, мобиль ахборот воситалари, маркшейдерияда спутникли технологияларни қўллаш, ер усти ахборот технологиялари, конларни очик усулда казишни маркшейдерлик таъминоти актуал муаммолари ва маркшейдерлик ишлари аниқлигини таҳлили бўйича билим куўникма ва малакаларини ривожлантириш назарда тутилган.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Модулнинг **мақсади** – маркшейдерлик ахборот технологиялари бўйича билим. кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Модулнинг **вазифаси** – мобиль ахборот воситалари, маркшейдерияда спутникли технологияларни қўллаш, ер усти ахборот технологиялари ва конларни очик усулда қазилни маркшейдерлик таъминоти актуал муаммоларини бартараф этишга қаратилган масалаларни ёритиб бериш.

**Модул бўйича билимлар, кўникмалар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари.**

**Кутилаётган натижалар: Маркшейдерлик иши йўналиши “Маркшейдерлик ахборот технологиялари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:**

**Тингловчи:**

- GPS, GLONASS маълумотларини;
- маркшейдерлик съемкаларнинг асосий принциплари;
- глобаль позиционлаштириш Америка сунъий йулдошларини (GPS NAVSTAR);
- ерни масофадан зондирлаш турларини;
- лазерли сканерлашнинг аҳамиятини
- мобил ахборот технологиялари ва хозирги кунда дунёнинг илғор давлатларида ишлаб чиқарилаётган геодезик-маркшейдерлик улчаш ишларини автоматлаштирилган тизимлари хақидаги **билимларга** эга бўлиши керак.

**Тингловчи:**

- маркшейдерлик ишларини амалга ошириш учун мобиль воситалардан фойдаланиш;
- геодезик ва маркшейдерлик ишларида лазерли сканерлашдан фойдаланиш;
- оператив маълумотларни олишда лазерли сканерлаш усулидан фойдаланиш;

- глобалъ тизимнинг асосий курсаткичларини таҳлил қилиш;
- маркшейдерлик ишларини амалга ошириш учун мобиль воситаларидан фойдаланиш **кўникмаларга** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- WGS84 асосида реалъ вақт бирлигида турган урнини геодезик ҳисобга олиш тизимида аниқлаш;
- маркшейдерлик бурчак ва чизикли улчашлар ва сканерлар ёрдамида конни уч улчамли тасвирларини ҳосил қилиш;
- WGS84 асосида реалъ вақт бирлигида турган урнини геодезик ҳисобга олиш тизимида аниқлаш;
- глобалъ тизимнинг асосий курсаткичларини таҳлил қилиш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- олий геодезия, астрономия, маркшейдерия йуналишларида илмий тадқиқотлар олиб ориш;
- эксплуатация қилинаётган объектларни керакли координаталар ва параметрлар билан ўз вақтида керакли аниқликда таъминлашда қўлланилаётган инновацион технологияларни қўллаш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

#### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғликлиги ва узвийлиги**

“Маркшейдерлик ахборот технологиялари” модули ўқув режадаги “Кончилик ҳуқуқи асослари” ва “Электрон-оптик ва навигацион маркшейдерлик асбоблар” модуллари ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқ. Бу ўқув режадаги мавзулар юқорида қайд этилган фанларнинг мантиқий давоми бўлиб, бошқа мутахассислик фанларини ўзлаштириш учун зарур ҳисобланади.

#### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Республикадаги таълим муассасаларида таълим жараёни самарадорлигини, педагог – кадрларнинг ахборот технологиялари ва мутахассис фанларни янада яхши ўзлаштириш Кончилик иши соҳасида таълим

бераётган, малака ошираётган профессор ўқитувчилар мақаласини мустахкамлашга қаратилган.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Мавзулар	Ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил иш
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Қўчма машғулот	
1	Мобиль ахборот воситалари	6	6	2	4		
2	Маркшейдерияда спутникли технологияларни қўллаш	4	4	4			
3	Ер усти ахборот технологиялари	4	4	2	2		
4	Тесқари геодезик кестирма усулида аниқланган съёмка тармоғи пункти координатасини аниқлигини ҳисоблаш ва баҳолаш	4	4		4		
5	Маркшейдерлик ишлари аниқлигини таҳлили	2	2		2		
	<b>Жами:</b>	<b>20</b>	<b>20</b>	<b>8</b>	<b>12</b>		

## НАЗАРИЙ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

### 1-мавзу. Мобиль ахборот воситалари

Мобиль ахборот воситалари. Дунё мамлакатларида геодезик-маркшейдерлик улчашларни автоматлаштирилган тизимлари. Геодезик-маркшейдерлик улчашларни амалиётга тадбиқ қилиш. Олий геодезия, астрономия, маркшейдерия йуналишларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар.

### 2-мавзу. Маркшейдерияда спутникли технологиялардан фойдаланиш

Геодезик-маркшейдерлик бурчак, чизиқли, азимутал улчашлар ва нивелирлаш ишлари. Эксплуатация қилинаётган объектларни керакли координаталар ва параметрлар билан ўз вақтида керакли аниқликда таъминлашда қўлланилаётган инновацион технологиялар.

### **3-мавзу. Ер усти ахборот технологиялари**

Оператив маълумотларни олишда лазерли сканерлаш усулидан фойдаланиш. Юзанинг 3D модели. Кон ишларини маркшейдерлик таъминоти тўлик автоматлаштириш тизими.

#### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

##### **1-амалий машғулот. Маркшейдерлик планларда масала ечиш**

Очик кон ишлари кон-график хужжатларини уқишни ва маркшейдерлик планларда масалалар ечишни урганиш.

##### **2- амалий машғулот. *Штольня урнини лойихадан жойга кучириш ва унга.***

Назарий билимларни мустахкамлаш ва маркшейдерлик масалаларни ечимини топиш буйича куникма ҳосил қилиш.

##### **3 амалий машғулот. Тескари геодезик кестирма усулида аниқланган съёмка тармоғи пункти координатасини аниқлигини ҳисоблаш ва баҳолаш.**

Дала улчаш натижаларини ҳисоблаб уларнинг масштаби 1:2000 масштабдаги кон лахимлари съёмкасини бажариш учун ишончлиги хақида ҳулоса бериш.

#### **ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛЛАРИ**

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўқув материали мазмуни устида ишлаётганда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутди.

Модулни ўқитиш жараёнида қуйидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза;
- амалий машғулот.

Ўқув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- жамоавий;
- гуруҳли (кичик гуруҳларда, жуфтликда);



- якка тартибда.

**Жамоавий ишлаш** – Бунда ўқитувчи гуруҳларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

**Гуруҳларда ишлаш** – бу ўқув топшириғини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гуруҳларда ишлашда (3 тадан – 7 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиш методига кўра гуруҳни кичик гуруҳларга, жуфтликларга ва гуруҳларора шаклга бўлиш мумкин.

*Бир турдаги гуруҳли иш* ўқув гуруҳлари учун бир турдаги топширик бажаришни назарда тутди.

*Табақалашган гуруҳли иш* гуруҳларда турли топшириқларни бажаришни назарда тутди.

**Якка тартибдаги шаклда** - ҳар бир таълим олувчига алоҳида- алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **“Венн диаграмма” методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали фойдаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадilar;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадilar ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: Улчаш ишларида қўлланиладиган асбоб турлари бўйича**



«Кейс-стади»– инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

**“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари**

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> </ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектини ёритиш</li> </ul>

### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириклари:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Зарарли моддалар ва заррачалар ажралиб чиқишини камайтириш тадбирлари вариантларини муҳокама қилинг (жуфтликлардаги иш).

### “Блиц-ўйин” методи

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

#### “ **АҚЛИЙ ХУЖУМ.**

Ақлий хужум услубини биринчи бўлиб бундан бир неча ўн йиллар олдин Ф.Осборн Алекс рекламаси орқали Баттер, Бартон, Дастин ва Осборн фирмаларида қўллаган. Кейинчалик ушбу услубдан йирик халқаро

корпорациялар ҳам фойдалана бошлашган. Республикамиздаги таълим муассасаларида ушбу услубдан 2000 йиллардан бошлаб фойдаланила бошланди.


**«АҚЛИЙ ҲУЖУМ» методининг тузилмаси**



## “КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ.

Таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган холда ўқув материалларини урганиш ёки топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

### «КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ» методи босқичлари



### ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ.

Талабаларда маърузалар ва мустақил таълим жараёнида олган билимлари асосида назарий маълумотларни тизимлаштиришни, уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад қилиш, қабул қилинаётган маълумотларнинг тушунарлигини назорат қилиш, аввал эгаллаган билимларини янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиради. Шу сабабли, ушбу услуб мавзу бўйича режадаги машғулотлар ўзлаштирилгач, талабалар мавзуга оид билим ва кўникмаларга эга бўлгач қўлланилади. Ўқитувчи мавзунинг аниқ мазмун ва моҳиятини ёритиб беради ва дарс якунида талабаларга ушбу мавзу бўйича “Инсерт” жадвали асосида уйда мустақил ишлашлари учун топшириқ беради.

Талабалар ушбу жадвал асосида дарсда олган билимларини ўз билимлари, реал ҳаётий тажрибалари билан таққослайди, мавзу бўйича мустақил ишлаб, янги маълумотлар олади, уларни матнда қўйилган белгилар асосида жадвалга киритади.

**Инсерт жадвали.**

V	+	-	?

«V» - ..... ҳақидаги билимларимга жавоб беради;

«+» - ..... ҳақидаги билимларимга қарама-қарши;

«->» - ..... янги маълумотлар;

«?» - ..... мавзуга оид туғилган саволлар.

*“Ўлчаш натижалари бўйича ҳисоблаш ва жойнинг топографик планини тузиш”* мавзуси бўйича уйга аниқ шароитда бажарилган горизонтал тасвирга олиш ишларининг ўлчаш натижалари акс эттирилган маълумотлар матни берилади. Улар “Горизонтал тасвирга олиш ишлари” мавзуси юзасидан олинган билимларини ёрдамида жойнинг планини тузишади ва реал шароитда қўлланилиши билан таққослаб жадвални тўлдириб келишади.


***“Ўлчаш натижалари бўйича ҳисоблаш ва жойнинг топографик планини тузиш”***

V	+	-	?

## “МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” МЕТОДИ.

Таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

### *«МУАММОЛИ ВАЗИЯТ» методининг тузилмаси*





## Муаммоли вазият



### Ш. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Мобиль ахборот воситалари

##### Режа:

- 1.Маркшейдерлик ишларини амалга ошириш учун мобиль воситалари
- 2.Глобаль тизимнинг асосий курсаткичлари
- 3.Маркшейдерлик съемкаларнинг асосий принциплари.

**Калит сузлар:** улчашлар, космик геодезия, глобаль кузатув тизимлари, GPS, GNSS, GLONASS, маркшейдерлик ишлар, сунъий йулдошли геодезия

#### 1.1.Маркшейдерлик ишларини амалга ошириш учун мобиль

Глобаль позиционлаштириш Америка сунъий йулдошли (GPS NAVSTAR) киради. У WGS84 асосида реалъ вақт бирлигида турган урнини геодезик хисобга олиш тизимида аниқлашга имкон беради. Ундан фойдаланиш асосан навигацион иловаларни кузатиш билан боғлиқ.

Тизим уз ичига учта модул еки сегментларни киритади:


- космик сегмент;
- бошқариш сегменти;
- тадқиқот сегменти.<sup>1</sup>

Маркшейдерияда асосий улчаш ишлари GPS технологиялар ёрдамида амалга оширилади. У сунъий йулдош билан приемник орасидаги масофани улчашга асосланган. Бу сунъий йулдошдан приемникга юборилган сигналларга ва уларнинг техник характеристикаларига боғлиқ булиб, бевосита кушимча улчашлар орқали амалга оширилади.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup>Gamarasca M.A. Basics of Geomatics.Springer. 2009. P. 411

<sup>2</sup>Boston, Louis F. Buff. High Grade Engineering, Surveying And Mining Instruments. Nabu Press. 2011,p.137-138




Расм. 1. GPS ва ресивер.

Глобалъ позиционлаш тизими: минимум туртта сунъий йулдош фазовий географик координатларни аниклаш керак.

### 1.2. Глобалъ тизимнинг асосий курсаткичлари

GPSнинг максуди стратегик ва иктисодий масалаларни ечиш буйича бутун дунё навигацион тизимини яратишдан иборат.

Бошка тадқиқот фанлари ичида лазерли сканерлаш мухим ахамиятга эга булиб, у асосида нисбатан тулик маълумотларга эга булиш оркали юкори аникликга ва жараённи автоматлаштиришга эришилади.



Расм. 2. Уч улчамли лазерли сканерлаш

Ҳозирги кунда дунёнинг илғор давлатларида амалиётга геодезик-маркшейдерлик улчаш ишларини автоматлаштирилган тизимларини ишлаб чиқмоқдалар ва амалиётга тадбиқ қилмоқдалар. Одатда ухшаш тизимлар олий геодезия, астрономия, маркшейдерия, электрон ҳисоблаш воситалари, математика, дастурлаш ва фазони забт этиш доирасида илмий-техник прогресс асосида барпо қилинади.<sup>3</sup>

Шундай қилиб, лазерли сканерлаш методи фотограмметриянинг бир неча аспектида эволюция қилиб, у бевосита юзанинг 3D моделини беради, одатда стереоскопик асбобларда икки улчамли тасвирлар ҳосил қилинар эди. Шундай қилиб қон ишларини маркшейдерлик таъминоти тулик автоматлаштириш жараёнига яқинлаштирилади.

#### GPS қабул индикаторларининг асосий характеристикалари

Қабул индикаторлар шифри	Фирма номи ишқарган (давлат)	Қаналлар сони (қачоқта)	Қоординатларни			Қомплеқтнинг умумий массаси, кг	Тахминий нархи (минг. \$)
			Абсолют режимда аниқлиги, м	нисбий режимда аниқлаш	қузатиш вақти		
GPS WILD-	"Лейка"	9(2)	15	5+1-10 <sup>D</sup> мм	15-20 мин	15-20	70
Sistem	(Швейцария)						
Sersel	"Серсель"	5(2)	10-15	S+110 <sup>D</sup> мм	10-20 мин	40	65
TR5S	(Франция)						
Achtech XII	"Аштек"	12(2)	20	3-5 мм	30 <sup>^</sup> 40 мин	5	35
	(США)						

<sup>3</sup>Gamarasca M.A. Basics of Geomatics. Springer. 2009. P. 412

4000 SST	"Тримбл"	8,12(2)	4	5+110 <sup>^</sup> -D мм	15 мин	15	35
	(США)						
MX 4200D	"Магновок с"	6(2)	10-15	2-5 см	10 мин	0,9	30
	(США)						
Magellan	"Магеллан"	5(1)	15-20	10-20 см	10 мин	0,85	11
	(США)						

### 1.3.Маркшейдерлик сѐмкаларнинг асосий принциплари.

Маркшейдерлик сѐмкалари ҳақида умумий маълумот

Кон саноатида маркшейдерлик сѐмкаси деб таянч ва сѐмка тармоқлари пунктлари координаталарини аниқлаш учун ва маркшейдерлик чизмалари тузиш учун бажариладиган бурчакли ва чизиқли ўлчаш ишлари йиғиндиси тушунилади. Фойдали қазилма конларини қазилма услубини, уларнинг кон геологик шароитларини аниқлаб беради.

Фойдали қазилма конларини ер ости усулида қазилма маркшейдерлик сѐмкалари конга ажратилган майдон юзасида ва ер остида бажариладиган ориентирлаш боғлаш сѐмкаларини йиғиндисидан иборат.

Ер остида ва ер устида бажариладиган сѐмка ишлари натижасини солиштириш учун сѐмкалар ягона координаталар тизимида бажарилиши керак.

Маркшейдерлик чизмаларини сѐмка материаллари асосида 1:5000, 1:500 масштабларида бажарилади.

Ер ости маркшейдерлик сѐмкалари объектлари бўлиб биринчи навбатда кон лаҳимлари ва шахта майдони чегаралари ҳисобланади. Чунки баъзи бир лаҳимлар узок муддат ўзгармай турса бошқалари бузилади ёки қазилма ишлари олиб борилиб давом эттирилади.

Ҳар қандай кон лаҳимларини ўтишда иш жойи доимий равишда ўзгариб туради. Шу муносабат билан унинг ўрнини маркшейдерлик чизмаларида кўрсатиб бориш учун доимий сѐмка қилиш ва ҳужжатларни тўлдириб бориш

шарт. Шунингдек сёмка объектлари бўлиб қидирув лаҳимлари билан кон лаҳимлари кесишган жойлари қазилма бойлик қатлами остки ва шифт қисмлари, силжиш зоналари, ёриқликлар ва бошқалар ҳисобланади. Сёмка натижалари кон лаҳимлари планига ва геологик кесмаларга туширилади. Улардан кон саноатини маркшейдерлик таъминлаш учун йирик инженерлик масалалари ечишда қўлланилади.

Ер ости маркшейдерлик сёмка объектларидан яна бири бу бойликни кон геологик жихатдан характерловчи нуқталарни ва зоналар (проба олиш нуқталари) сёмка натижалари бўйича маркшейдерлик чизмаларида қазилма бойлик қатламини ўлчаш жойлари, кон лаҳимлари билан қидирув скважина очилган нуқталар ва бошқалар кўрсатилади.

Қўлланиши ва ўлчаш услуги бўйича ер ости маркшейдерлик сёмкаларини асосий қурилмалари эътиборга лойиқ ва улар қуйидагилардан иборат:

1. Ер ости теодолит сёмкалари.
2. Ориентирлаш боғлаш сёмкалари.
3. Ер ости вертикал сёмкалари.
4. Кесма ва қазилма лаҳимларини сёмкалари.
5. Кон лаҳимларини ўлчаш ишлари.

*Ер ости теодолит сёмкаларида* кон лаҳимларида махсус белгилар билан мустаҳкамлаб қуйилган пунктларнинг Х, Ў координаталарини аниқлаш учун бурчакли ва чизиқли ўлчаш комплекси бажарилади. Ер ости теодолит сёмка натижаларини маркшейдерлик график ҳужжатларини тузиш учун геометрик асос бўлиб хизмат қилади ва улардан кон ишларини маркшейдерлик таъминлаш учун қатор инженерлик масалалари ечилади.

*Ориентирлаш боғлаш сёмкалари* ер ости сёмкалари билан ер усти сёмкалари ўртасида геометрик алоқа ўрнатиб унинг ёрдамида ер ости кон лаҳимлари ва ундаги пунктларнинг ўрнини ягона координата системасида яъни ясси тўғри бурчакли координаталар системасида аниқлашга имкон беради. Бу эса ўз навбатида кон лаҳимлари планини ер юзаси плани билан боғлашга имкон бериб аналитик масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Ер юзасидан кон лаҳимларига узатилган дирексион бурчак ва Х, Й координаталар ер ости теодолит сёмкаларини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Яъни кон лаҳимларида сёмка тармоқлари ориентирлаш боғлаш сёмка натижаси асосида барпо қилинади.

*Ер ости вертикал сёмкалари* ер ости объектлари ва ундаги пунктлар ўрнини қабул қилинган баландлик системасида З координатасини баландлигини аниқлашга имкон беради. Ер ости вертикал сёмкаси қуйидагиларни ўз ичига олади: кон ишлари горизонтга ер юзасидан координата З ни узатиш (вертикал боғловчи сёмка), лаҳимларда геометрик нивелирлаш ва қиялиги  $6^{\circ} - 8^{\circ}$  дан катта бўлган лаҳимларда тригонометрик нивелирлаш бажарилади.

*Кесма ва қазии лаҳимлари сёмкаси* табиий шароитларда бажарилиб одатда аниқлиги кичик бўлган асбоблар ёрдамида бажарилади (буссол, угломер). Уларнинг натижаларида график ҳужжатларни тўлдиришга ва баъзи масалаларни ҳал қилишда ишлатилади.

*Кон лаҳимларини ўлчаш* натижасида кон лаҳимлари контурини, забойларни яқин жойлашган ер ости сёмка пунктларга боғлашга имкон беради. Ўлчаш натижалари маркшейдерлик чизмаларини тўлдиришга ва қазиб олиш ҳажмини аниқлашга ишлатилади.

### **Назорат саволлари**

1. Мобил воситаларига нималар киради?
2. Мобил воситаларининг вазифалари нималардан иборат?
3. Мобил воситалардан нима мақсадда фойдаланиш мумкин?
4. Мобил воситалари турлари.
5. Мобил воситаларининг аниқлиги.

### **Адабиётлар:**

1. А.М.Гальперин и др. - М. : Горная книга, 2012. - 336 с. - (Охрана окружающей среды).
2. Шестаков В.А. Проектирование горных предприятий. Учебник. М.:

МГГУ, 2003. - 800 с.

3. Пешкова М.Х. Экономическая оценка горных проектов. М.: МГГУ, 2002. - 422 с.

4. Егоров П.В., др. Подземная разработка месторождений полезных ископаемых. М., МГГУ, 2002. –217 с.

5. Аренс В.Ж. Основы методологии горной науки. М.: МГГУ, 2003.- 223 с.

## **2-тема. Спутникли технологияларни маркшейдерияда куллаш.**

### **Режа:**

1.Спутникли технологияларнинг имкониятлари;

2.Сунъий йулдош тизими турлари.

### **2.1.Спутникли технологияларнинг имкониятлари.**

Юкорида баён килингандай, компьютер техникаси ва радио-электрониканинг ривожланиши, ер юзаси орбитасига сунъий йкулдошларни чиқарилиши ер юзасидаги нукталарнинг координаталарини глобаль тизимга асосланган юкори аниқликдаги прогрессив методларда аниқлаш имконини яратди.

Курсаткичлар	GPS	"Глонасс"
Актив сунъий йулдошлар сони	24	24
Сунъий йулдошни айл.давр	12ч	11 ч 15 мин
Огиши	54°	65°
Орбиталь маълумотларни узатиш бир марта	в 1 ч	в 55 мин
Вактни синхронизациялаш	UTC (СИША)	UTC



Бу тизимлардан сунгги давларда купгина дунё давлатларининг саноат сохаларида кулланиши тезкорлик билан ривожланиб бормокда.

Хозирги кунда глобаль тизимларнинг икки куруниши мавжуд: "Глонасс" ва "Навстар" (США). Россия "Глонасс" тизимидан тинчлик максадларида фойдаланиш кузда тутилган булиб, у уз ичига 24та ернинг сунъий йулдошларни киритади. Баллистик тузилиши ва тактик-техник маълумотлари буйичакуп йиллардан буён ишлаб келаётган мавжуд америка "Навстар" тизими характеристикаларига жуда якин. Сунъий йулдош ахборотларини кабул килишни ривожланиш даражаси ер юзидаги нукталарнинг координаталарини аник фиксация килиш имконини беради, бу эса сунъий йулдошли технологияларни самарадорлигини характерлайди.<sup>4</sup>

Россиянинг "Глонасс" асбоби огирлиги 5-10 кг булиб у турли шароитларда фойдаланишга мулжалланган. Россияда серияли равишдаА-72-4М-01 сунъий йулдошли навигацион кабул индикаторлари ишлаб чиқарилмокда. Унинг ёрдамида координаталар киймати абсолютном режимда 16-21 м аникликда топилади.. Бошлангич пунктдан 10 до 100 км масофада жойлашган пунктлар учун 2-3 соатли кузатиш сеансида 1,5-2,5 м аникликга эришиш мумкин.

АКШнинг "Навстар" тизими ишончлиги, аниклиги ва дизайни буйича 1-2 даражага "Глонасс" тизимидан устун туради. "Навстар"кабул индикаторлари бозори АКШ, Гарбий Европа ва Япониянинг 200 фирмаси томонидан ишлаб чиқарилаётганлиги муносабати билан кун сайин кенгайиб бормокда.

Америка тизими хам худди россия тизими каби уч сегментдан: бошқариш сегменти, космик ва ер юзасидаги сегмент.

---

<sup>4</sup> Boston, Louis F. Buff. High Grade Engineering, Surveying And Mining Instruments. Nabu Press. 2011,p.138-139



Ҳар қандай ўлчаш ишларида хато бўлганидек маркшейдерлик ўлчаш ишларида ҳам хатоликлар бўлади. Ўлчашда ҳосил бўладиган хатоликлар қўпол, систематик, ёки тасодифий қилинган хатоликлардан иборат бўлади.

Систематик хато турли омилларга боғлиқ бўлиб бир хил қилинган хатони ўлчашда қайтарилиб бориши оқибатида ҳосил бўлади. Булар ўлчаш асбобининг ноаниқлиги ҳаво температурасининг таъсири ва ўлчовчининг малакасига боғлиқ бўлади.

Қўпол хатолар ўлчовчининг малакасизлиги ва эътиборсизлиги оқибатида келиб чиқади.

Қолган кутилмаган хатолар тасодифий хатога киради.

Ўлчаш ишидаги хатоликни  $\delta = \ell - x$  (1) билан аниқлаш мумкин. Бу ерда  $\ell$  - ўлчаш натижаси,  $x$  - ўлчанган катталиқнинг аниқ қиймати.

Ўлчаш натижалари катта миқдорда бўлса қуйидагича ҳисобланади:  $|\delta| = |\ell| - n \cdot x$  (2). Бу ифоданинг иккала тамонини  $n$  га бўлсак қуйидаги ифода ҳосил бўлади:

$$x = \frac{|\ell|}{n} - \frac{|\delta|}{n} \quad (3).$$

Тасодифий хатоларнинг хоссаларини ҳисобга олсак қуйидаги ҳосил бўлади:

$$x = \frac{|l|}{n} \quad (4).$$

Яъни ўлчаш натижаларининг ўрта арифметик миқдорлари ҳақиқий қийматга яқин ҳисобланади.

Лекин ўрта арифметик хато ўлчаш аниқлигини тўлиқ кўрсатмайди. Шунинг учун ўлчаш ишларини аниқлигини баҳолаш учун ўрта квадратик хатодан фойдаланилади. У қуйидагича:

$$m = \sqrt{\frac{[\delta\delta]}{n}} \quad (5).$$

Бу формула ўлчаш сони катта бўлганда тўғри келади. Агар ўлчаш сони чегараланган бўлса у ҳолда хатолик қуйидагича ҳисобланади:

$$m_m = \frac{m}{\sqrt{2n}} \quad (6).$$

Ўрта квадратик хатонинг ҳосил бўлиш эҳтимолини  $m$  десак у юзтадан 32 тасида бўлиши мумкин.

Агар  $2m$  десак тасодифий хато 100 тадан 5 тасида бўлиши мумкин,  $3m$  га тенг десак 1000 тадан 3 тасида бўлиши мумкин. Демак ўрта квадратик хатонинг учланган қийматини ҳосил бўлиши эҳтимоли жуда кичик. Одатда йўл қўярли тасодифий хато қийматини ўрта квадратик хатонинг иккиланган қиймати қабул қилинган.

Ўлчаш ишларини бажаришда амал қилаётган маркшейдерлик ўлчаш ишлари йўриқномаси талабларига риоя қилиш керак.

Маркшейдерлик ишларини бажаришда асосий талаблардан бири ўз вақтида кантрол ва хатоликни вақтида топиб жойида бартараф қилиш ҳисобланади. Бундай кантрол дала кантроли дейилади. Бунинг учун икки нуқта оралиғи энг камида икки марта ўлчанади. Горизонтал бурчак ўлчашда эса кантрол бурчак ўлчанади.

### **Маркшейдерлик сёмкаларининг геометрик асоси**

Алоҳида нуқталарнинг ер ости ва ер устида  $z$  координаталарини аниқлаш учун Кронштадт футштокига нисбатан ўлчаш ишлари олиб борилади.

Маркшейдерлик таянч тармоқлари ер устида ҳосил қилинган давлат геодезик пунктлари асосида барпо қилинади. Ер юзасида таянч тармоқлари триангулятсия ва полигонометрия, трилатегратсия усулларида барпо этилади.


Ер ости маркшейдерлик сёмкаларида горизонтал теодолит сёмканинг ўрни катта бўлиб кон лаҳимларида махсус ўрнатилган белгиларни координаталарини аниқлаш учун бурчакли ва чизикли ўлчаш ишлари олиб борилади.

Ер ости кон лаҳимлари чўзиқ бўлганликлари сабабли полигонометрик усулдан кўпроқ фойдаланилади.

Ер ости кон лаҳимларида теодолит йўллари ўтказишда теодолит билан қуйидагилар ўлчанади: йўлнинг икки тамон оралиқ горизонтал бурчаги, қиялик бурчаги, тамонлар узунликлари ўлчанади. Шу билан бирга ер ости бурчак ўлчаш йўллари уларнинг тадбиқ қилиниши бўйича полигонометрик ёки теодолит йўллари дейилади.

Ҳар бир полигон (йўл) аввал бажарилган сёмка пунктларига боғланади. Полигон шакли ва унинг сёмка пунктларига боғлаш услуби бўйича қуйидагича кўринишда бўлиши мумкин:

1. Осма озод бўлган йўл – координаталари берилган битта пунктга ва дирексион бурчаги маълум тамонга таянган бўлади.




1-расм.

2. Иккиламчи осма йўл - йўлни ўтиш йўқорига ўхшаш бўлиб фақат баъзи тамонлар тўғри ва тесқари йўналишда ўтган бўлади.




2- расм.

3. Гиротомон сексияларга бўлинган осма йўл – йўлнинг сексияларга бўлиниши тамонларнинг узунлигига ва талаб қилинган аниқлигига боғлиқ бўлади.




3- расм.

4. Озод бўлмаган осма йўл – йўл бошида ва охирида бўлган иккита бошланғич пункт ва тамонларга таянган бўлади.




4- расм.

5. Озод бўлмаган гиротомон сексияларига бўлинган осма йўл – йўлнинг узунлиги ва тадбиқ қилинишига асосан тўлиқ кантрол билан ўтказилади.




5- расм.

6. Озод берк йўл – координаталари маълум бўлган битта пунктга ва дирексион бурчаги маълум бўлган тамонга таянган бўлади.




6- расм.

7. Гиротомон сексияларига бўлинган озод берк йўл – йўлнинг мураккаблиги ва узунлигига боғлиқ.



7- расм.

8. Йўл боши ва охирида координаталари маълум бўлган пунктга таянган озод бўлмаган осма йўл. Яъни бошланғич тамон дирексион бурчаги берилмаган бўлса назорат берк йўлнинг узунлиги бўйича ва бурчаклар йиғиндиси орқали бажарилади.



**8- расм.**

чизмада: □ – берилган пункт, = - дирексион бурчаги маълум бўлган тамон, == - гиротомон, дирексион бурчаги гирокомпос ёрдамида аниқланади.

## **2.2.Сунъий йулдош тизими турлари.**

Ер ости теодолит полигонлари ўзаро боғланиши орқали йирик шахталарда мураккаб тармоқларни ҳосил қиладилар. Ер ости кон лаҳимларини сёмкаларида худди ер устидаги сёмка каби умумий бўлган аниқ геометрик тармоқлардан аниқлиги кичик бўлган тармоқларни барпо қилиш принципага амал қилинади. Ушбу протсес қуйидаги ишлардан иборат:

1. Капитал ва асосий кон лаҳимлардан ўтадиган полигонометрик йўллар ва ер ости сёмкаларига геометрик асос бўлиб хизмат қиладиган маркшейдерлик таянч тармоқларини барпо қилиш.
2. Теодолит ва бурчак ўлчаш йўлларида иборат бўлган кон лаҳимлари сёмкаси учун зарур бўлган маркшейдерлик сёмка тармоқларини барпо қилиш. Теодолит йўллари капитал ва асосий тайёрлов лаҳимларида тўлдирувчи сёмкаларни бажариш учун тавсия қилинса, бурчак ўлчаш йўллари эса казиш ковжойларида ва кесма лаҳимларда сёмка қилиш учун фойдаланилади.

Теодолит йўллари таянч пункти ва тамонларига боғланса бурчак ўлчаш йўллари полигонометрик ва теодолит йўллари пунктларига таянади. Бурчак ўлчаш йўллари ўтказишда аниқлиги паст асбоблардан фойдаланилади (угломер, буссол).

Махсус тармоқлар ўта муҳим масалаларни ҳал қилишга ишлатилади. Масалан: муҳим лаҳимларни ўтказишда бундай ҳолатларга бурчакли ва чизиқли ўлчаш аниқликлари ҳар бир ҳолат учун алоҳида ишлаб чиқилган дастур бўйича аниқланади. Ўлчаш натижалари кўп ҳолларда шартли координаталар системасида ҳисобланади.

Сёмкани бажариш шартларига кўра ва кон лаҳимларида геометрик асос пунктларининг сақланишига қараб учта асосий гуруҳга бўлинади.

1. Шахта ва руда майдонидан ўтган асосий магистрал ҳисобланган капитал ва асосий лаҳимлар. Уларга: штолня, капитал квершлаг, дала ва асосий штреклар, бремсберглар ва қия лаҳимлар киради. Бу лаҳимлар одатда катта узунликка эга бўлиб, хизмат қилиш давлари катта. Уларда ер ости таянч тармоқлари пунктларини маҳкамлаш қулай ҳисобланади.

2. Тайёрлов лаҳимлари. Булар: панелда ўтган оралик, вентилятсион штреклар ва бошқа лаҳимлар ҳисобланади. Улар қазилш участкаларида жойлашган бўлиб етарли даражада узун эмас ва хизмат қилиш давлари нисбатан кичик. Бундай лаҳимларда жойлашган пунктлардан қазилш ковжойларини доимий сёмка қилиб туришда асос сифатида қўлланилади.

3. Кесма лаҳимлар. Булар: қазилш участкаларидан ёки қазилш блокларидан ўтади. Узунлиги кичик бўлиб хизмат қилиш даври ҳам кичик қазилш ковжойлари, масалан лава доимо ўрни ўзгариб туради. Шунинг учун бу ердаги пунктлардан атиги бир марта уларни сёмка қилишда фойдаланилади.

**Ер ости таянч тармоқлари.** Улар тизим шаклида ёки алоҳида полигонометрик йўл шаклида барпо қилиниб ствол олди лаҳимларида маҳкамланган бошланғич доимий пунктлардан бошлаб ривожлантирилади. Таянч тармоқлари тармоқнинг узунлигидан қатъий назар узоқлашган пунктларнинг ўрнини талаб қилинган аниқликда аниқлашни таъминлаши керак. Бу ерда пунктларни маҳкамлаш 300 – 500 метрдан масофаси ошмаслиги керак.

Ер юзасидаги таянч тармоқларига нисбатан ер ости маркшейдерлик таянч тармоқлари уч гуруҳга бўлинган ва алоҳида уларнинг фарқлари бор.

**Биринчи** гуруҳга қуйидагилар киради: а) тармоқларнинг ривожланиши кон лаҳимлари ўтилишига ва шахта рудникларининг хизмат қилиш даврига боғлиқ.

б) эски лаҳимларнинг беркитилиши бир қанча пунктларнинг мустаҳкаммаслиги оқибатида тармоқ конструкцияси доимий ўзгаришда бўлади. Тармоқда бир қанча боғлиқ бўлмаган қўшимча фазовий ва вақт бўйича маълумотларнинг пайдо бўлиши ҳисобланади.

Йўқоридаги омиллар таъсири натижасида ер ости таянч тармоқлари ривожлантирилади ва реконструкция қилинади. Кон лаҳимларини ўтилиши муносабати билан тармоқ тўлдирилса тармоқ ҳолатига қараб реконструкция вақти аниқланади.

Ер ости таянч тармоқларининг кўриниши **иккинчи** гуруҳига қуйидагилар киради:

а) полигон параметрлари ва шакллари танлашни чегаралайдиган полигонометрик йўлларнинг мажбурий конфигурацияси.

б) ер ости полигонометрик йўлларида мажбурий қисқа тамонларнинг бўлиши (3-5 м).

д) ер ости полигонометрияси бошланғич пунктларининг сони чегараланганлиги ва уларнинг имкони борича шахта майдони марказида жойлашганлиги бу ҳаммаси ер ости таянч тармоқларини бошланғич пунктлардан узоқлашгани сари хатоларнинг тез йиғилиб боришига сабаб бўлади. Узоқлашган пунктларнинг талаб қилинган аниқлигини ошириш учун тармоқларга талабни кучайтириш лозим. Бунинг учун полигонометрик йўлларни гирокомпас ёрдамида дирексион бурчакларини аниқлаш ва гиротомон сексияларини барпо қилиш эффектив чора ҳисобланади.

Ер ости таянч тармоқлари қуришнинг **учинчи** гуруҳига қуйидагилар киради:

а) таянч тармоқлари қуришдан олдин теодолит йўллари ўтказилади. Полигонометрик йўл ва теодолит йўллари учун битта асбоб ва бир ўлчаш усулларида қўлланилади.

Шу сабабли амалда қатор ҳолатларда полигонометрик йўллари таянч тармоқлари ва теодолит йўлларига бўлинмайди. Шу билан бирга асосий ва тайёрлов лаҳимларининг сёмкаси полигонометрик йўлларни ўтқозиш орқали бажарилиб мустаҳкам ва яхши сақланган белгиларидан таянч тармоқларини тўлдиришга зарур ҳолатларга назорат учун қайта йўл ўтказилади. Шунинг учун полигонометрик йўллар тўлдирувчи ва назорат (кантрол) йўлларига бўлинади. Бу планли теодолит сёмкаларини бажаришда техник асбобларнинг бурчакли ва чизиқли ўлчашларнинг умумий кўринишга эгаллигини кўрсатади.



Таянч тармоқлари турлича бўлиб у конни очиш схемасига шахта майдонининг тайёрлигига қазилма бойлик қатламининг ётиш шароитлари ва шаклларига боғлиқ бўлади. Ер ости таянч тармоқлари кон ишларини перспектив режасини ҳисобга олган лойиҳалар асосида барпо қилинади. Таянч тармоқлари ҳар 5 – 10 йилда реконструкция қилинади. Бунинг учун қуйидаги ҳолатлар асос бўлиши мумкин.

– сёмка ишларини давом эттириш учун доимий пунктларнинг мустаҳкамлигини бузилиши.

– тармоқда ер юзасидаги таянч тармоғи билан боғлиқ янги пунктларнинг ҳосил бўлиши.

– шахта горизонтлари тармоқларини бир – бирига боғлаш зарурати ҳосил бўлади.

– кон лаҳимларининг узунлиги кўпайиши асосида аниқликнинг камайиши ҳоллари сабаб бўлиши мумкин.

Ер ости теодолит йўллари қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

– кон лаҳимларини сёмка қилиш ва маркшейдерлик чизмаларини чизиш.

– келажак сёмкалари учун геометрик асос барпо қилиш.

– бажарилган сёмкалар назоратини бажариш учун.

### **Назорат саволлари:**

1. НАВСТАР тизими хақида маълумотлар.
2. Ахборот тизими неча сегментдан иборат?
3. Бошқариш сегменти вазифалари.
4. Космик сегмент вазифалари.
5. Ер юзаси сегменти вазифалари.
6. Қандай ўлчаш хатолари бор?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Boston, Louis F. Buff. High Grade Engineering, Surveying And Mining Instruments. Nabu Press. 2011, p.137-142
2. M.A. Gamarasca. Basics of Geomatics. Springer. 2009. p. 49-51 and 380-385

3. El-Rabbany A., 2006, Introduction to GPS: The Global Positioning System, 2nd ed. Artech House Publishers, Boston, p. 250

